КУТУБХОНА – АХБОРОТ ХИЗМАТИНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



doi 10.47267/2181-8207/2022/1-102



Ўктам Носиров,
ЎзДСМИ,
«Кутубхонашунослик»
кафедраси мудири,
фалсафа фанлари
номзоди, доцент

Annotation: The concept of continuous education covers the progress of science and technology, the widespread use of advanced production technologies in practice, the mastery of knowledge by a person, the method of fruitful activity and personal qualities that will serve him all his life in the future.

Continuing education is the basis of the competitive personnel training system, covers all types of education, state educational standards, and personnel training systems, and create conditions for its activities.

Continuous education makes it possible to create the necessary conditions for the formation of a creative, socially active, spiritually rich and highly educated person. In the provision of library and information services, it is necessary to take into account the leading importance of education, the democratization of education, the humanity of education, the social significance of education, the national orientation of education, the close relationship between education and upbringing, the identification of talented youth, and the creation of conditions for obtaining fundamental and specialized knowledge.

Today, official, additional, distance, independent education is becoming more widespread. At present, the main task of the library is to create conditions for readers to use existing sources, information, and information in distance learning. The applied new information technologies create wide opportunities for mastering knowledge.

Studying the psychology of readers, determining their interests and needs in the library and information process, using new technologies in finding the necessary information requires the librarian himself to master the skill of improving his knowledge, skills and abilities. Particularly peculiar features of working with different groups of readers require the constant organization of the study of computer technology and seminar-trainings for the creation of various programs.

In the system of social institutions involved in the legal process, a special place is occupied by the socialization of the library in enriching and strengthening legal knowledge in the family, school, and higher educational institutions. Because important is the information service, organized in the direction of «person-to-person» legal socialization of a person by the library.

In this regard, various forms, methods of forming and improving the legal knowledge of library readers can be effective.

Аннотация: Библиотека – основное социальное направление информационной службы Понятие непрерывное образование охватывает прогресс науки и техники, широкое применение на практике передовых производственных технологий, овладение человеком знаний, методом плодотворной деятельности и личными качествами, которые в дальнейшем служат ему всю жизнь. Непрерывное образование является основой системы подготовки конкурентноспособных кадров и охватывает все виды образования, государственные образовательные стандарты, системы подготовки кадров и создать условия для его деятельности.

Непрерывное образование позволяет создать необходимые условия для формирования творческого, общественно активного, духовно богатого и высокообразованного человека. В оказании библиотечно-информационной услуги необходимо учитывать ведущее значение образования, демократизация образования, гуманность образования, социальная значимость образования, национальная направленность образования, тесная взаимосвязь образования

и воспитания, выявление талантливой молодежи, создания условия для получения фундаментальных и специальных знаний.

Сегодня все большее распространение получает официальное, дополнительное, дистанционное, сомостоятельное образование. В настоящее время основной задачей библиотеки является создание условия читателям использования ими существующих источников, сведений, информаций в дистанционном обучении. Применяемые новые информационные технологии создают широкие возможности в овладении знаниями.

Изучение психологии читателей, определение их интересов и потребностей в библиотечно-информационном процессе, использование новых технологий в поиске необходимых информаций требует от самого библиотекаря овладеть навыком повышения своих знаний, умений и навыков. Особенно своеобразные черты работы с различными группами читателей требует постоянно организовать изучение компьютерной технологии и семинар-тренинги для создания различных программ.

Калит сўзлар: Узлуксиз таълим, маданий эҳтиёж, ижтимоий фаоллик, таълимнинг инсонпарварлашуви, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг ижтимоийлашуви, фойдаланувчилар психологияси,

Узлуксиз таълим тушунчаси – фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияларини ама лиётга кенг кўламда қўллаш ҳозирги замон ва истиқболга мустақил равишда ижодий фаолият кўрсатиш учун шахсга унинг бутун умри давомида етарли бўлган билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни белгиланган вақт давомида бериш мумкин бўлмай, балки у бутун ҳаёти давомида такомиллаштирилиб борилишини назарда тутади.

Узлуксиз таълим – малакали рақобатдош кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Узлуксиз таълим Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахснинг шаклланиши ва юқори малакали рақобатдош кадрларни тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этади. Кутубхона – ахборот хизмати кўрсатишда узлуксиз таълимнинг қуйидаги фаолият кўрсатиш тамойиллари ҳисобга олиниши зарур:

- таълимнинг устуворлиги – унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

- таълимнинг демократлашуви – таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

- таълимнинг инсонпарварлашуви – инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши инсон, жамият, атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

- таълимнинг ижтимоийлашуви – таълим олувчиларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш, эстетик дунёқарашни ҳосил қилиш;

- таълимнинг миллий йўналтирилганлиги – таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш;

- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

- иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Бугунги кунда узлуксиз таълим расмий, қўшимча, масофавий, мустақил таълимни ўзига қамраб оладиган жараён сифатида тушунилади. Кутубхона– ахборот хизматининг асосий вазифаси узлуксиз таълим тизимининг барча йўналишлари учун мавжуд манбалардан, маълумотлардан, ахборотлардан ҳамманинг фойдаланиши учун шарт-шароит яратишдан иборатдир. Бундан ташқари,

Бугунги кунда узлуксиз таълим расмий, қўшимча, масофавий, мустақил таълимни ўзига қамраб оладиган жараён сифатида тушунилади. Кутубхона– ахборот хизматининг асосий вазифаси узлуксиз таълим тизимининг барча йўналишлари учун мавжуд манбалардан, маълумотлардан, ахборотлардан ҳамманинг фойдаланиши учун шарт-шароит яратишдан иборатдир

«жамиятда маънавий қадриятларининг қарор топиши кутубхона-ахборот муассасалари олдига шахсга эътиборни кучайтириш, унинг умуминсоний даражасини ошириш, маънавиятини юксалтириш, одоб-ахлоқ жиҳатдан тарбиялаш каби вазифаларни» ҳам долзарб қилиб қўймоқда {1. Б. 5}.

Кутубхона–ахборот хизмати жараёнида фойдаланувчилар психологиясини ўрганиш, уларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларини аниқлаш, «зарурий ахборотларини қидиришда янги технологиялардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш кутубхоначиларнинг ўзларининг ҳам билим, кўникма ва малакаларини ошириб боришларини талаб қилади». {2.Б.226} Айниқса, бугунги кунда фойдаланувчиларнинг турли гуруҳлари билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари, компьютер саводхонлигини ўрганишга оид курслар, дастурлар семинар-тренингларни мунтазам ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, ЮНЕСКОнинг «Ахборот ҳамма учун» Халқаро дастури таълимни қўллаб қувватлаш, бутун умр давомида билим, маълумот эгаллашни давом эттиришга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Кутубхоначининг педагогик вазифасидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш зарурки, касбий лаёқатлилиги муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигидан ташқари фаолияти орқали бошқаларга таъсири ва охир-оқибатда жамиятга таъсири ижтимоийлашувнинг муҳим таркибий қисмини ўзида акс эттиради. Ижтимоийлашув инсоннинг маданият, коммуникация таъсири остида шаклланиш жараёни, ўзаро мулоқот натижасида ижтимоий таъсир кўрсатишини ифодалайди. Ижтимоийлаштириш тушунчаси эса, жамиятнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган намунали хулқ, психологик механизм, ижтимоий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш жараёнидир. Ижтимоий – фалсафий, психологик ва педагогик тадқиқотлар жараёнида шахс ижтимоийлашувига хос бўлган қуйидаги ҳолатлар аниқланган:

- Шахс ижтимоий таъсирлар ёрдамида илмий билимлар ҳамда кишилик маданияти меъросини ўзлаштиради, уларнинг негизида эса у ақлий жиҳатдан камол топади ва ахлоқий сифатларга эга бўлади – мазкур ҳолат шахс ижтимоийлашувининг устувор жиҳати ҳисобланади;

- шахснинг ижтимоийлашуви турли ижтимоий тизимлар, жамият ривожланишининг муайян даврларида бир хил кечмайди; ҳар бир давр шахснинг ижтимоийлашувида ўзига хос кўринишда намоён бўлади;

- ижтимоийлашув ёшликкагина хос хусусият бўлмай, шахс ҳаётининг барча даврларини қамраб олади.

Кутубхона – ахборот хизмати жараёнида кутубхоначиларнинг вазифаси – ҳуқуққа оид босма нашрлар ва ахборотларни ўрганиш, мутолаа қилиш, таҳлил қилиш орқали фойдаланувчига фикрловчи шахс, етук фуқаролик жамиятининг аъзоси бўлиб шаклланиши, жамиятда ўз ўрнини ва хулқ-атворини, ўз истак-мақсадларининг йўналишини англайдиган, умуминсоний қадриятларни сақлаш ва мустаҳкамлашга фаолиятини онгли йўналтира оладиган шахс бўлишига кўмаклашишдан иборатдир.

Ислоҳотлар Стратегиясига кўра жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан ўзгаришларнинг янада муваффақиятли тарзда амалга оширилиши кўп жиҳатдан кишиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шунга кўра мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли, кенг кўламли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ошиб боришини таъминлайди.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиб бориши, унинг ўзига хос институтларининг ташкил топиши ва фаоллашуви бевосита шахс фаолиятига, унинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига боғлиқдир. Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида ҳукумат қарорлари устидан жамоатчилик назорати, оддий фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги муҳим ўрин тутади.

Мамлакат фуқроларининг ҳар бири қабул қилинган қонунларга риоя қилиши, ўзларида ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлиги, тарбияланганлиги билан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишлари шартдир. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнида ҳуқуқий билимлар, хулқ-атвор, ҳуқуқий муносабатлар ривожланиб боради.

Шахс ижтимоийлашувининг ҳуқуқий жиҳатлари бу – педагогика, ҳуқуқшунослик фанларида ўрганилиши шарт бўлган муаммолардан ҳисобланади. Ижтимоийлашувнинг ҳуқуқий механизми шахснинг ҳуқуқий онги,

Кутубхона–ахборот хизмати жараёнида фойдаланувчилар психологиясини ўрганиш, уларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларини аниқлаш, «зарурий ахборотларини қидиришда янги технологиялардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш кутубхоначиларнинг ўзларининг ҳам билим, кўникма ва малакаларини ошириб боришларини талаб қилади»

Шахс ижтимоийлашувининг ҳуқуқий жиҳатлари бу – педагогика, ҳуқуқшунослик фанларида ўрганилиши шарт бўлган муаммолардан ҳисобланади

фаолияти, объектив, субъектив ижтимоий омиллари, қонуннинг шахсга ижобий таъсири, унинг натижаси кундалик турмуш тарзидаги фаол ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Демак, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви баркамол авлодни тарбиялаш, ҳуқуқ меъёрлари, маънавий қадриятлар фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат сиёсатининг негизини ташкил этади.

«Ҳуқуқий ижтимоийлашув ижтимоий – сиёсий, маданий – маърифий соҳаларни янада такомиллаштириш, ижтимоий адолатни, қонун устуворлигини таъминлаш ва шу асосда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг кенг кўламли амалий жараёнларини ташкил этиш, демократик тамойилларнинг барқарор ривожланишини янада кучайтиришга хизмат қилиш, диний ақидапарастлик, диний экстремизм, миллатчилик, террорчилик хуружларига йўл қўймаслик каби вазифаларни амалга ошириш, қонунлар ёрдамида жамиятни бошқариш, ижтимоий ҳаёт, ижтиоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситасидир».{3.Б. 114}

Ҳуқуқий ижтимоийлашув билим олиш ҳуқуқи, бурч, конституциявий ҳуқуқ, миллий тенг ҳуқуқлилик, миллий ғурур, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, қонун, ҳуқуқ, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий меъёрлар, ҳуқуқий онг кабиларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг шахс камолотидаги ҳамда жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини чуқур англашга оид қарашлар тизими ҳамдир.

Бугунги кунда ҳуқуқий ижтимоийлашувга кўмаклашувчи қуйидаги омиллар мавжуддир:

- Давлат органларининг ҳуқуқ соҳасидаги сиёсатининг тизимли холатга келтирилаётганлиги;

- Шахс ижтимоийлашувига ҳуқуқий жиҳатдан шарт-шароит яратиши, ҳуқуқий ижтимоийлашувни жараён сифатида қабул қилиш, унинг устидан жамоат назоратини ташкил этиш ва бошқалар.

Лекин ҳуқуқий ижтимоийлашувга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни ҳам кўрсатиб ўтиш зарур ва улар қуйидагилардир:

- Оила, мактаб, ўқув юртлари, турар жой, дам олиш ва кўнгил очиш масканларида доимий равишда соғлом муҳитнинг мавжуд эмаслиги;

- Ҳуқуқий ижтимоийлашувга салбий таъсир кўрсатувчи зўравонлик, ахлоқий бузуқлик, жиноий турмуш тарзи, жиноят ҳисобига ҳаёт кечиришни тарғиб қилувчи адабиётлар, кино, видео маҳсулотлари, газета, журнал ҳамда бошқа ахборот манбаларининг кириб келаётганлиги;

- Давлат органлари, мансабдор шахсларнинг тарбия субъектлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятига ноўрин аралашуви каби ҳолатлар ҳуқуқий ижтимоийлашувга ўз салбий таъсирини ўтказади.

Яна қайд этиш зарурки, ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида иштирок этувчи тарбия субъектларининг идоралараро жамоатчилик билан яшаш жойларида амалдаги қонунларда аниқ белгиланмаганлиги, ҳамкорликни ташкил этиш учун масъул бўлган кадрларнинг давр талабларига жавоб бера олмаслиги, улар билан ҳамкорликда фаолият олиб борувчи «халқ посбонлари», «чегара посбонлари» каби жамоат тузилмаларининг ҳуқуқий билимларининг етишмаслиги, ҳуқуқий ижтимоийлашувга оид ўқув машғулотларининг мунтазам олиб борилмаслиги каби ҳолатлар ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказади.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида иштирок этувчи ижтимоий институтлар тизимида кутубхоналар оилада, мактабда, коллежларда, олий ўқув юртларида олинган ҳуқуқий билимларни янада бойитиш ва мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади. Чунки кутубхона томонидан ўзининг иш мазмунига кўра шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг «инсон-инсон» деб аталувчи йўналишда ташкил этган ахборот хизмати ўз аҳамиятига кўра ўта муҳим ҳисобланади.

Бу ўринда кутубхоналарнинг фойдаланувчилар ҳуқуқий билимларини шакллантириш ва такомиллаштириш йўналишларини турли шакллар, усуллар ёрдамида ўтказиладиган фаолияти самарали бўлади.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида иштирок этувчи ижтимоий институтлар тизимида кутубхоналар оилада, мактабда, коллежларда, олий ўқув юртларида олинган ҳуқуқий билимларни янада бойитиш ва мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2019 йил, 7 июнь.

2. Ғаниева Д. А. Таълим мақсадларини амалга оширишда ахборот-ресурс марказларининг роли. – Тошкент; Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.- 232 б.

3. Лапаева В. В. Ҳуқуқ социологияси. Тошкент; « Адолат», 2005.-415 б.

4. Қосимова З. Педагогик маҳорат асослари. Тошкент; " Фан" 2009.